

б) “Истеъмолчи” транзит оркали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эғалик ҳуқуқи, тасодиғий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи “Махсулот етказиб берувчи” корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи” га ўтади.

4.3. Нефт махсулотларини миқдор ва сифати бўйича “Истеъмолчи”, “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. “Истеъмолчи” нефт махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефт махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. “Махсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Хар икки томон нефтмахсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефть махсулотлари етказиб беришни “**Махсулот етказиб берувчи**” дан талаб қилиш;

б) етказиб берилган Нефть махсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;

в) сифатсиз Нефть махсулотлари етказиб берилган ҳолларда “**Истеъмолчи**”:

- сифатли ана шундай турдаги нефть махсулотларини “**Махсулот етказиб берувчи**” ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

- нефть махсулотларининг сифатини “**Махсулот етказиб берувчи**” ҳисобидан тиклашни талаб қилиш;

- етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефть махсулотлари етказиб берилган ҳолларда махсулотни қабул қилишни рад этиш;

г) “**Махсулот етказиб берувчи**”дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

6.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефть махсулотлари учун “**Махсулот етказиб берувчи**”нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 100% тўловни амалга ошириш;

б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича қабул қилиб олиш;

в) махсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

6.3. “**Махсулот етказиб берувчи**” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “**Махсулот етказиб берувчи**”га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва “**Махсулот етказиб берувчи**” олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

б) Ушбу шартномага асосан “**Истеъмолчи**”га етказиб берилган нефть махсулотларини қабул қилишдан асоссиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қопланишини “**Истеъмолчи**”дан талаб қилиш;

6.4. “**Махсулот етказиб берувчи**” мажбуриятлари:

а) етказиб берилган нефть махсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

б) агар нефть махсулотларини етказиб бериш жараёнида “**Махсулот етказиб берувчи**” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Истеъмолчи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда ўз ҳисобидан бартараф этиш;

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

7.2. “Истеъмолчи” нефть махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.